

ХУҚУҚ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
1 апрел, чоршанба

13 (25)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган



Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг марказий маҳкамасида ҳам Наврўз байрами катта шодиёна сифатида нишонланди. Ушбу суратларда байрам лавҳалари акс эттирилган. Р.Шарипов фотолари.

СУЛАЙМОННИНГ УЗУГИ

(Афсона)

Сулаймон ибн Довуд ўзининг сەхрли узугини йўқотиб қўйибди. Тахти-пойи кўлдан кетган подшо кўп хафа бўлиб, азият чекибди. Аммо орадан қирк кун ўтгач, унинг узуги топилиб, аввалги шон-шавкат ва равақи яна ўзига қайтиб келибди. Уша кун оламдаги барча хонлар, жониворлар, қушлар, даялару аждаҳолар Сулаймоннинг ҳузурига бош эгиб келибдилар. Буни кўрган одамлар:

- Наврўз, - яъни Янги кун, - муборак! - дейишибди.

Шу-шу ўша кун Наврўз, деб аталадиган бўлибди. Сەхрли узуги топилиганидан суюнган Сулаймон шамолга буюрибди, шамол уни тоғу тахти билан бирга кўтариб кетаётган экан, бир қалдирғочнинг узусига дуч келиб қолибдилар. Шунда қалдирғоч:

- Эй подшоҳ, уямда бир неча тухумим бор эди, уларга озор берма, - дебди.

Сулаймон қалдирғочнинг узусини четлаб ўтиб, бир хушманасара жойга атанда ерга тушибди. Шу пайт ҳалиги қалдирғоч тумшугида сув олиб келибди ва Сулаймонга бир чигиртканинг оёғини ҳада этибди. Наврўз кунини сув сепаиб, совғалар бериш удуми ана шундан қолган экан.

Илмий-амалий анжуман

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

25 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги биносидида «Инсон ҳуқуқлари: қонун ҳужжатлари тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ва Олий Мажлис ҳузурдаги Қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда Олий Мажлис депутатлари, Республика Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, Конституциявий, Олий ва Олий ҳужалик суди аъзолари, Республика прокуратураси ва вазирликлар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, Республика юридик нашрларининг бош муҳаррирлари иштирок этдилар. Уни Республика Олий

Мажлиси раисининг ўринбосари Бўритош Шодиева кириш сўзи билан очди.

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоиловнинг «Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларини тайёрлашнинг хусусиятлари», Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази директори, профессор А. Саидовнинг «Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги: аҳоли, муаммолари ва истиқболлари» ва Амалдаги

қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари М. Гасановнинг «Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларини тайёрлашда халқаро тажрибадан фойдаланиш масалалари» мавзусидаги маърузалари конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Газетанинг 2-бетиди ана шу маърузалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни газетанлар эътиборига ҳавола этамиз.

(Давоми 2-бетда).



Тошкент шаҳар прокуратурасида

АТТЕСТАЦИЯ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар прокуратурасида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси М.Наимовнинг прокурор-тергов ходимларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш учун Тошкент шаҳар прокуратураси маҳкамасида махсус инспекция тузиш ва унинг таркибини тасдиқлаш ҳақидаги ахбороти тинланди.

Иккинчи масала юзасидан Аттестация комиссиясининг масъул котиби Б. Арипованинг «Республика Бош прокурорининг 3, 9, 10-сонли буйруқлари талабларидан келиб чиққан ҳолда аттестация комиссиясининг 1997 йилда ва 1998 йил февраль ойидаги иш фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Республика прокуратураси томонидан Тошкент шаҳар А.Икромов туман прокуратурасининг 1996-1997 йилларда қонунчилик ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш борасидаги ишлари юзасидан ўтказилган текшириш натижасида аниқланган камчиликлар ҳақида Тошкент шаҳар прокурори М.Наимов ахборот берди.

Ҳайъат йиғилишида Тошкент шаҳар прокурори томонидан тасдиқланган, етарли тажриба ва малакага эга ходимлардан иборат таркибда унинг биринчи ўринбосари - бошлиқ, масъул котиб ва 9 аъздан иборат махсус инспекция тузиш ва уни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ушбу сонда

ИНТИҚОМ

...Зўрланган келинлар дардларини ичига ютиб яшашга мажбур эдилар

5

МЕН ТАМОМ БЎЛДИМ

Пушаймоним бошқаларга ибрат бўлсин, деган ниятда бошимдан ўтганларни гапириб беришга қарор қилдим.

7

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журналі

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АҲМАДЖОНОВ

Дилшод ИСЛОМОВ

(масъул котиб)

Эркин ЙЎЛДОШЕВ

Мэлс НАИМОВ

Орипжон ХОЛМАТОВ

Лола ШОМУРОВА

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Газета андозаси «Хуқук» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Хуқук»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:

13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси -41.

Нусхаси 18132 Буюртма Г- 011186 Қоғоз бичими - А-3. Баҳоси сотувда эркин нархда.

Навбатчи **О. БЕГАЛИЕВ**

Мусаҳҳиж: **М. ДУСИЯРОВА**

ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Н. Исмоилов, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқук масалалари қўмитаси раиси:

Хар бир янги қабул қилинган қонун мустақил давлати- мида жоддан кенаяётган ривожланиш жараёнларига ва бугунги кунимизнинг юксак талабларига жавоб бериши керак. Қонун яратилаётганда унга, аввало, мана шу талаб нуқтаи назаридан ёндошилади. Шунга қарамай, қонунлар яхши, лекин ҳамма муаммо-ларни ҳаётга жорий этишда, деган ҳақли талаблар ҳам қўлоққа чалиниб қолади. Шунинг учун қонун ижодкорлигида иккита мезонга - жамоатчилик фикрига ва қонун яратишнинг шаклланган юридик методологиясига амал қилинади. Албатта, асосий Қонунимиз - Конституция қонунчилигимиз асосини белгилаб берувчи бот-бот тилга олинади. Қонун бу соҳадаги айрим идоравий маҳдудлик хусусиятларига чек қўйиб, қонун ижодкорлигида бутунлай янги даврни бошлаб бериши мумкин. Жамиятимизда чуқур индиз этаётган демократик таъминлар бу соҳага ҳам изчил кириб бормоқда. Масалан, Қонун лойиҳаларининг умум-халқ муҳокамасига чиқарилиши халқимизнинг маънавий кадриятларига ва халқро ўлчамларга жавоб берадиган қонунлар яратишимизга кенг йўл очади, деб ўйлайман.

А. Саидов, Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази директори, профессор:

Қонун ижодкорлиги жуда мураккаб жараён. Мен бу ишни нонвойнинг меҳнатига киёспайман. Нонвойлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, лекин нонвой ёлган нонларни тано-вул қилган киши борки, унга баҳо беради. Қонун ижодкорлиги ҳам ҳаммабон иш эмас. Лекин, бу қонунлар халқимизнинг талабларига жавоб бериши керак. Шунинг учун бизнинг қонунларимизнинг инсонпарварлик моҳияти ҳақида ифтихор билан гапиришим мумкин.

Агар мамлакатимизда ҳозирга қадар 300 дан ортиқ қонун-яр қабул қилинган бўлса, уларнинг юздан ортиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга дохилдорлигини манъуният ила эътироф этмоқ даркор.

Мен шартли равишда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ақс этган қонунларни беш ғруҳга ажратмоқчиман:

- инсоннинг шахсий ҳуқуқлари муҳофазасига доир қонунлар;
- фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ақс этган қонунлар;
- фуқароларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунлар;
- инсоннинг маданий-маънавий ҳуқуқлари муҳофазасига



қаратилган қонунлар; - инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид халқро шартномалар.

Эътибор қилган бўлсангиз, қонунларимизда халқро қонунларнинг устуворлиги ҳақидаги қоида бот-бот тилга олинади. Хўш, халқро қонунлар қачон устувор бўлади? Биз қайси халқро шартномаларга қўшилган бўлсак, у Олий Мажлисда ратификация қилинган бўлса, шу халқро қонунлар қонунчилигимизда устувор аҳамиятга молик бўлади. Шунинг учун халқро шартномаларни имзолаётганда ниҳоятда ўйлаб, шоямилмасдан иш тутуш лозим. Америка Қўшма Штатларидек ривожланган давлат ҳам БМТнинг айрим пактларига, жумладан ўлим ҳазосини бекор қилиш ҳақидаги пактларга қўшилмаган. Қўшилиш, имзолашдоги масъулликни юксак ҳис этган ҳолда, биз ҳали бунга тайёр эмасмиз, дейишмоқда улор. Чиндан ҳам шундай. Утган йилнинг ўзида АҚШда тўртта вояга етмаган шахс ўлим ҳазосига ҳўки қилинди.

Мен 1997 йилда қабул қилинган учта дастурни - Ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш ва Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Дастурларни қонунчилигимиздаги муҳим янгилик сифатида баҳолашнинг истар эдим.

Қонун ижросидаги яна иккита хусусиятга эътиборингизни қаратишмоқчиман. Биринчиси, янги тахрирдаги қонунлар. Масалан, тил тўғрисидаги қонунлар. Иккинчиси, қайтадан яратилган янги қонунлар. Масалан, Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун. Бу аввалгилариндан фарқ қиладиган, мутлақо янги қонундир. Шулардан ҳам кўринадики, бизда қонун ижодкорлиги қотиб қолган догматик қарашлардан воз кечиб, ҳақиқий ижодий жараён тусини олган. Бу жараённи янада такомиллаштириш учун ушбуларни тақдир этаман:

1. Қонунларни конкурс ёки танлов асосида қабул қилиш қондиси жорий этилса. Энг мукамил қонунларни танлаб олиш имкониятига эга бўлсак.
2. Қонун тили алоҳида эътиборни талаб этадиган ишдир.

Шунинг учун қонунларимизни ҳеч бўлмаса, Атамашунослик қўмитаси назаридан ўтказиб оласак.

3. Халқро шартномаларга қўшилиш масаласи кўрилатганда бу шартномаларнинг моҳияти ҳақида Ахборотнома тайёрланса.

4. Қонун ижодкорлиги маданиятини юксалтириш масаласи ҳам кун тартибда долзарб бўлиб турибди.

5. Ҳозирги конференцияда ҳам, умуман, қонунчилик масалалари муҳокамасига бағишланган конференциядаги фикрлар шунга қилиб кетмасдан, мунтазам умумлаштириб борилиши керак. Қонунлар лойиҳасига доир жамоатчилик фикри, газета-журналларда бу ҳақда билдирилётган тақлифлар қаерда жамланоди? Уларнинг эътиборга олинаётганига қафолат берувчи ташкилот борми бизда?

6. Қабул қилинаётган қонунларимизнинг молиявий-иқтисодий асосларини эътиборга олиш ҳам жуда муҳим. Масалан, тил тўғрисида қонун қабул қилинганда унинг ижросига жуда катта маблағ ажратилган эди ва ўша пайтлардаёқ бу жуда яхши самара берди. Эндиликда янги тахрирдаги бу қонун ижросидаги сусткашликлар, хатто орқага кетишлар маълум жиҳатдан молиявий масалаларга ҳам боғлиқ, деб ўйлайман.

У. Мингбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси:

Қонун лойиҳаларини тайёрлашда, албатта, биринчи навбатда Конституциямизга таяниш лозимлиги жуда тўғри таъкидлаб ўтилди. Идоравий кайфиятлар қонунчилигимизнинг ўзига ҳос қусурларидан бири бўлиб қолмоқда. Албатта, муайян тармоқ учун қонун ишлаб чиқилаётганда соҳавий билим зарур. Лекин, Олий Мажлиснинг ўзида шундай имконият бўлиши керак:

- Олий Мажлис ҳузурда Қонунчилик институти ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;
- Қонунларимизда бошқа қонунларимизга ишора қилиш, ҳавола қилиш камроқ бўлса;
- Қонун ҳужжатлари илоҳи

борича давлат тилида тайёрланса...

А. Жалолов, Ўз ФА Фалсафа ва ҳуқук институти директори, юридик фанлари доктори:

Олимларнинг аниқлашича, хар бир янги туғилган органи- змда ўлаётган ҳужайралар ва аксинча ўлаётган организмда янги туғилган ҳужайралар бўлар экан. Қонунчиликда ҳам шундай. Қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, янгилари билан алмаштириш бу табиий жараёндир. Лекин, мақсад, ҳозирги анжуманимизнинг мақсади ҳам шунга қаратилган бу жараённи юксак даражада амалга оширишдан иборат. Шунинг учун, бугунги йиғилишимизда ҳам қайта-қайта тилга олинган Қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонуннинг айрим моддаларидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этмоқ даркор.

Б. Пулатов, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бошқарма бошлиғи, юридик фанлари номзоди:

Қонун яратиш ва уларни такомиллаштириш борасида республикамизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни тасаввур этмоқ учун битта мисол келтираман: Олий Мажлиснинг 1997 йил 26 декабридаги Қарори билан юздан ортиқ қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Айрим қонунларимиз кўчга кирганидан икки-уч ой ўтмасданок янги Президент Фармони ёки бошқа меъёрий ҳужжат пайдо бўлиши муносабати билан ўзгартириш қилиши талаб этади. Шунинг учун қонунчилик зийроқлик билан қўзатиб бориши тақозо этадиган жараён ҳисобланади.

Бугун тилга олинган Ўзбекистон Республикасида Қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топган битта янгиликка эътиборларингизни қаратишмоқчиман. Унда яхши қабул қилинган қонун самарадорлигини ўрганиш учун уни айрим ҳудуд ёки тармоқда тажриба тариқасида қўллаш, синнаб кўриш ҳақидаги модда киритилган. Эндиликда бу моддани амалга ошириш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак.

Ғ. Абдумажидов, Республика Конституциявий суди аъзоси, профессор:

Қонун ижодкорлиги, уни яратиш техникаси бизнинг Республикасимизда мустақилликдан кейин пайдо бўлди ва уни бемалол мустақиллик меваси дейиш мумкин. Буни олий ўқув юртларида алоҳида фан сифатида ўқитиш керак, деб ҳисоблайман.

Бежизга бу ерда қонунларнинг амал қилиш механизми ҳақида кўйиниб гапирилмаяпти. Чунки, Қонунлар ва Низомларни лўндароқ, қулайроқ, халқ тушунадиغان тилда тайёрлаш масаласи ҳамон кун тартибда долзарб бўлиб турибди.

Битта ёки иккита қонунни истисно қилганда, бизнинг барча қонунларимиз аввал рус тилида тайёрланиб, кейин ўзбекчага ўйрилган. Бундай таржима қонунлар, албатта, бир бор тилшунос олимларга қўрсатиб олинса яхши бўлади.

Кейин хар бир янги қонун изидан унинг ижодкорларининг исми-шарифлари бериб борилса, уларнинг хизматини баҳолаган, масъулиятини оширган бўлаеиз.

А. АБДУХОЛИҚОВ.

Конун ва ижро

ШАРТНОМАЛАР НОМИГАГИНА ТУЗИЛМАСИН

ёхуд икки корхона нега судлашгани хусусида

Мамлакатимиз иқтисодиётида ўтиш даврининг мураккаб жараёнлари давом этаётган айна пайтда, йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши иқтисодиётнинг барқорорлигининг муҳим омилidir. Улар ўртасидаги муносабатлар эса муҳим давлат ҳужжати ҳисобланган шартномалар асосида мустаҳкамланади. Шартномалардаги шартларнинг икки тарафлама бекаму-кўст бажарилиши ишлаб чиқаришнинг ўсшини таъминлайди. Лекин, сўнгги пайтларда баъзи корхоналар ўртасида тузилган бундай шартнома шартларининг бажарилмаслиги оқибатида тарафлар ўртасида низолар келиб чиқиш ҳолатлари кўп. Бунинг натижасида давлатга ҳам катта зарар етоди. Худди шундай келишмовчилик «Каттақўрғонёмой» акционерлик жамиятига қарашли «Ёғмойтамаксаноат» уюшмаси ва шахримиздаги Ўзбекистон маишии кимё ашёлари ишлаб чиқариш бирлашмаси («Ўзбитхим») ўртасида ҳам юзага келган. «Ёғмойтамаксаноат» уюшмасининг судга берган даъво аризасига ҳўра, у «Ўзбитхим» бирлашмаси билан тузган 117-сонли шартномага биноан 1997 йил апрель, май, июнь ойларида буюртмачига жами 290,5 тонна суюқ совун юбориши керак эди. Ушбу юборилган суюқ совуннинг 231,5 тоннаси «Ўзбитхим» корхонаси томонидан юборилган қаустика соданинг қиймати билан қопланган. 1997 йил 26 июнида юборилган 59,3 тонна суюқ совуннинг пули эса тўлиқ тўланмаган. «Ёғмойтамаксаноат» уюшмасининг ушбу суммани тўлаш ҳақидаги эътироз хатига «Ўзбитхим» бирлашмаси рад жавоби берган ва бунга асос қилиб, сўнгги юборилган

маҳсулотнинг ўзгартирилган нархи ҳақида бизни олдиндан огоҳлантирмагансизлар, деб сабаб кўрсатган.

Иккала тараф ўртасида тузилган шартноманинг биринчи бандида бозор иқтисодиёти шароити ҳисобга олиниб, нархнинг ўзгариб туриши ҳам назорда тутилган. 1997 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан эълон қилинган маҳсулотларнинг янги нархи белгиланганлиги ҳақидаги баённомага биноан, ҳўжалик совунининг ҳам нархи кўтарилган. Тўғри, қарс икки қўлдан чиқади дегонларидек, шартнома шартларининг бузилиши оқибатида келиб чиққан келишмовчиликларда ҳар иккала томоннинг айби бор. Негаки, даъвогар бўлган «Ёғмойтамаксаноат» уюшмаси раҳбарлари ўз маҳсулотини юборишдан олдин унинг ўзгарган нархи ҳақида ҳамкорлик қилаётган ташкилотни огоҳлантирмаган. Ваҳоланки, улар ўзгарган нарх ҳақида хабар бергандан кейин маҳсулотни олишчи томон шу нархда маҳсулотни олишга рози бўлгандагина маҳсулотни юбориши лозим эди. Ўзгарган нарх ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилмаган «Ўзбитхим» бирлашмаси бу қийматни тўлашдан бош тортиди ва шу билан шартнома шартларининг бузилишига йўл қўйган.

«Ёғмойтамаксаноат» корхонасининг эътирози ҳам ўринли. Қонун барчага баробар. Нарх ўзгарганлиги ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қароридан, наҳатки, «Ўзбитхим» бирлашмаси бехабар бўлса... Демак, корхона маъмурияти чиқарилган қарор, формонлардек бепарқ қараган. Шундай бўлса-да, даъвогар «Ёғмойтамаксаноат» бирлашмасининг «Ўзбитхим» бирлашмасидан

203802239 сўм қарзни ундириб бериш ҳақидаги асосли даъвоси суд томонидан қаноатлантирилди. Даъвогарга қарздор ташкилотдан Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик Процессуал кодексининг 78-80-81 - моддаларини қўллаб, асосий қарзни - 2038022-39 сўмни ва 40760 сўм давлат божини ундириб бериш ҳақида қарор чиқарилди.

Лекин, томонлар ўртасидаги низолар тўлиқ ҳал этилмаганлиги сабабли бу иш кассация тартибиде яна кўрилиш арафасида.

Корхоналар ўртасида тузилган шартномаларнинг баъзи корхоналар томонидан умуман бажарилмаслик ҳолатлари ҳам кўп-кўп учрамоқда.

Андижон механика корхонаси мутасаддиларининг даъво аризасига ҳўра, «Андуслубпахта» илмий ишлаб чиқариш тижорат маркази улардан N139/110-96-сонли шартномага мувофиқ 297505 сўмлик плёнка остига чигит экувчи бир донна экиш мосламаси олган. Лекин, «Андуслубпахта» ишлаб чиқариш тижорат маркази мутасаддилари олган товарининг пулини тўлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган. Қарзни тўлаш талаб қилиниб ёзилган эътироз хати ҳам жавобсиз қолверган.

Товарни олишда «Бисмиллох», пулини тўлашга келганда эса «астафурulloх» дейдиган бундай ташкилотларнинг парвойи палак мутасаддилари тегишли қонунлардан бехабарга ўхшайди. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 327-моддасида «Бошқа шахсларнинг пул маблағларини гайри қонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш ва тўлашни бошқа тарзда кечиктириши натижасида улар

дан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фаиз тўлашни лозим», деб кўрсатилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 июлдаги N342-сонли қарориде ҳам ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қарздорлар тўланмаган қарзнинг 0,1 фоизи миқдориде сумма тўлашлари лозимлиги белгиланган.

Қарзни ўз вақтида тўламаган «Андуслубпахта» илмий ишлаб чиқариш тижорат маркази Андижон механика корхонаси фойдасига 297505 сўм асосий қарздан ташқари 84491 сўм миқдориде жарима ҳамда 11459 сўм давлат божи тўлайдиган бўлди.

Яқинда Президентимизнинг «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонда юқоридеги ҳолатлар ҳақида сўз юритилиб, бунақа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарликини ҳис этмаган, ўзибўларчилик, совуққонлик ва хизмат мансабини суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўйган раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатиш, маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш, ҳўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкый зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қоплаш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасига олиб келганлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларини эгалаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тартибни қатъий белгилаб қўйиш ҳақида сўз боради. Бу фармоннинг ижроси юзасидан прокуратура назоратининг ўрнатилиши эса, ўз ҳолига ташлаб қўйилган корхоналар раҳбарларини ҳўшёрликка чорлайди, деб ўйлаймиз.

Абдумуҳит МУҲТОРОВ,
Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьяси.

Шахсий фикрлар

МЕНИНГ ҲАМ АЙТАР ГАПИМ БОР

Ҳурмати тахрират!

Сизларнинг газетада чоп этаётган ҳар бир мақолаларингизни зўр қизиқиш билан ўқиб бораман. Бошқа рўзнома-лардан «Ҳуқуқ»нинг фарқи - кўпгина мақолаларда инсонларнинг аччиқ тақдири ҳақида ҳақоқ қилинади. Журналистлар ҳўқуқимунослар билан бундай фожеаларнинг илдизини очиб беришга ҳаракат қилади. Газетанинг 7 январь сонидеги «Ниқобли меҳмон» номли мақолада бунга муштарийнинг ўзи гувоҳ бўлади. Дилга таскин берадиган томони «Ниқобли ўғрилар» ўз вақтида қўлга олинади. Улар ўз қилмишлари учун жазосини олади. Эгри йўл билан бировларнинг бойликларини ўзлаштирмақчи бўлганлар учун бундай воқеалар мактаб бўлади, деб ўйлайман. Агар журналистлар қамоқхоналарга бориб, маҳбуслар билан учрашиб мақолалар тайёрлаша, газетанинг мухлислари янада ошган бўларди. Айниқса, маҳбусларнинг нима сабабдан жиноятга қўл урганлини ўзлари ҳақоқ қилиб, сабабларнинг гаптириб беришса, бошқалар учун уларнинг аччиқ тақдири сабоқ бўлармиди?

Рисолат Рўзиева,
Тошкент шаҳри.

ЁШЛАР БОР ЖОЙДА...

Ёшлар юртимиз бахти, келажакимизнинг давомчилари. Шундай экан, уларнинг тарбиясига ҳар бир ота-она, ўқитувчи, маҳалла-кўй масъул эканлигини унутмаслигимиз лозим. «Ҳуқуқ» газетасида ҳам ёшлар тарбияси, унинг муаммолари ҳақида яхши дилтортар мавзуларда мақолалар бериб борилмоқда. Менга газетанинг 4 март сониде босилган Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Б.Нурмухаммедовнинг «Тарбия, масъулият ва назорат» мавзуида кўтарилган долзарб муаммоли мақола маъқул келди.

Муаллиф «Ўқувчи ҳуқуқбузорлик содир этар экан, бу ота-онани, мактаб раҳбарларини жиддий ташвишлантириши лозим. Айниқса, ўқувчининг ўқишини ташлаб кетишига асло бепарқ қараб бўлмайди. Афуски, мактабга бормай қўйган ўғил-қизларни мактабга қайтаришга баъзан эътиборсизлик билан қаралмоқда ва бу салбий оқибатларга ҳам олиб келаяпти», деб катта муаммони кўтарган. Келтирилган фактлар мақолани янада бойитган ва ўқимшиллигини оширган. Агар газетанинг ҳар бир сониде ана шундай муаммоли мақолалар бериб борилса, ўйлайманки, муштарийлар бундан ўзига керакли хулоса чиқаради.

Ақбар СУЯРОВ,
Самарқанд вилояти.

ҲАММАГА ТУШУНАРЛИ

Газета ва журналларни оммавий ахборот воситаси, дейишоди. Бу «Ҳамма ўқиса тушундирган», деган маънони билдирса керак, менинг назаримда. Ушбу сўзларни ёзишимдан мақсад «Ҳуқуқ» газетасини тоғда кўй боқиб юрган чўпондан то малакали юристгача тушунади. Чиройли, оддий, содда ва равон тилда ёзилади. Масалан: газетанинг 4 март сониде чоп этилган «Ун кунда фаш этилган қотиллик» мақоласини олайлик. Уни малакали терговчи ёзган. Мақола муаллифи А.Назаров

Жиззах вилояти прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлимининг бошлиғи. У воқеани жуда лўнда ва содда қилиб баён қилган. Ҳатто, мутасаддиларнинг жиноятнинг тўб илдизини ҳам очиб берган. Албатта, бундай мақолалар нафақат газетанинг нуфузини оширади, балки одамларнинг ҳўқуқий маданиятининг ошишида ҳам катта ҳисса қўшади, деб

ўйлайман. Газетанинг навбатдаги сонларида обрўли маҳалла оқсоқоллари, эл назаридеги ёзувчи, шоир ва олимларимиз билан ёшлар тарбияси ҳақида суҳбатлар уюштирса яхши бўларди. Ўйлайманки, менинг шахсий фикрларимнинг инобатта оласизлар.

Салом билан

Розия Жўраева,
Зомин тумани.

ДЕТЕКТИВГА ҚИЗИҚАМИЗ

Мен икки йилдан буён «Қонун ҳимоясида» журналича обуна бўламан. Журналдеги детектив қиссалар менга жуда ёқади. Кўпинча бу асарлар қўлма-қўл бўлиб кетганига гувоҳ бўлганман. Айниқса, «Монгол П» ва «Латофат дўқонидаги қотиллик» детектив қиссаларини мароқ билан ўқиб чиқдим. Улардеги ҳар бир воқеа кишини ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди. Агар «Ҳуқуқ» газетасида ҳам ана шундай давомли қиссалар берилса, жуда яхши бўларди. Газетанинг илгариги сонларидаги «Кўрсатгич бармоқсиз одам», «Ёлланган қотил» каби ҳақоқлар муштарийларни лоқайд қолдирмапти. Истагим, ана шундай мавзулардеги асарлар газетанинг ҳар бир сониде босилса, дейимиз. Сизларга омад тилаб

Бибисора АҲМЕДОВА,
Қашқадарё вилояти
Касби тумани.

